

Устозга ҳурматнинг гўзал талқини

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Жанубий Кореянинг атоқли ёзувчиларидан Ли Мун Ёлнинг “Олтин қанотли қуш” китоби тақдими бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, “Davr Press” нашриёт-матбаа уйи билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда ёзувчи, шоир ва таржимонлар, адабиётшунос олимлар, корейс тили ва адабиёти мутахассислари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари, Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Корейс маданият маркази, Корейс таълим маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, ом-

мавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Жаҳон адабиётидан энг сара ва ўқишли асарларни китобхонлар эътиборига доимий тақдим этишни ният қилганмиз, — дейди “Davr Press” нашриёт-матбаа уйи бош муҳаррири Асрор Мўмин. — “Дунё адабиёти хазинасидан” туркумида чоп этилаётган китоблар ана шу мақсадимизнинг рўёби бўлаётир. Яқиндагина Лао Шэнинг “Мушуклар шаҳри хотиралари” роман-памфлети ҳамда Франц Кафканинг “Ота ҳукми” ҳикоялар тўпламини нашр этгандик. Бу гал “Олтин қанотли қуш”нинг тақдими ўтказилди. Ушбу асар чин ин-

соний қадриятлар ҳақида. Китоб ғояси ва фалсафаси Ко Чжук (расом ва хаттот) образи орқали мажозий ифодасини топган. “Олтин қанотли қуш”ни устозга ҳурматнинг гўзал талқини, шогирдлар учун камолот йўли, одоб йўриқномаси, десак ҳам янглишмаймиз.

Жонли мулоқот тарзида кечган тадбирда жаҳон адабиётидан ўзбек тилига ўгирилаётган асарлар таржимаси сифатини, мазмунини янада такомиллаштириш, ёшларни китобсеварлик руҳида тарбиялаш, уларда бадиий адабиётга меҳр уйғотиш, китоб танлаш ва мутолаа маданиятини шакллантириш борасида фикр алмашилди.

Акмал ЖУМАМУРОДОВ,
“Ma’rifat” муҳбири